

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОШПЎЛАТОВ АКРАМ ҲАЙДАРОВИЧ

**ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА НОВЕЛЛА ЖАНРИ ВА УНИНГ БАДИИЯТИ
(А. Қаххор, Ш. Холмирзаев, Н. Эшонқул ижоди мисолида)**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Тошпўлатов Акрам Ҳайдарович

Ўзбек адабиётида новелла жанри ва унинг бадиияти (А. Қахҳор,
Ш. Холмирзаев, Н. Эшонкул ижоди мисолида)..... 3

Ташпулатов Акрам Ҳайдарович

Жанр новеллы в узбекской литературе и его художественность 23

Toshpulatov Akram Haydarovich

The genre of novel in Uzbek literature and its artistry 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 49

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017. Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОШПЎЛАТОВ АКРАМ ҲАЙДАРОВИЧ

ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА НОВЕЛЛА ЖАНРИ ВА УНИНГ БАДИИЯТИ
(А. Қахҳор, Ш. Холмирзаев, Н. Эшонқул ижоди мисолида)

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.2.PhD/Fil133 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Умуров Ҳотам Икромович**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ахмедова Шоира Нематовна**
филология фанлари доктори
Жўрақулов Узок Ҳайдарович
филология фанлари доктори

Етакчи илмий муассаса: **Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail:rector@samdu.uz).

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида _____рақами билан рўйхатга олинган. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail:rector@samdu.uz).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

Муҳиддинов М. Қ.
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Пардаев А. Б.
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.

Салоҳий Д. И.
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиёт-шунослигида амалга оширилган жанрларга доир тадқиқотлар орасида новелла жанрининг тараққиёт тадрижи, адабий жанрлар таснифидаги ўрни ва роли, поэтик хусусиятлари борасидаги изланишлар немис шоири И. В. Гёте, адабиётшунос олимлари Г. Фон Клейст, А. Гофман, рус адабиётшунослари И. Виноградов, Е. Мелетинский ижодларида алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки новеллада кескин сюжет, нейтрал ва тежамли ҳикоя қилиш усулининг мавжудлиги ҳамда ҳажман ҳикоя жанрига яқинлиги каби хусусиятлар унинг китобхонлар томонидан қизиқиб ўқилиши ва нисбатан осон қабул қилинишини таъминлайди. Бинобарин, новелла жанри поэтикаси масаласи адабиётшунослик илмида ўз тадқиқини кутаётган долзарб мавзулардан саналади.

Новелла поэтикаси ва унинг илмий-назарий хусусиятларини ўрганишда жаҳон адабиётшунослигининг адабий турлар ва жанрлар муаммосига бағишланган тадқиқотларнинг назарий ҳамда амалий сабоқлари ва хулосаларига асосланиш муҳим ўрин тутди. Кузатишлар натижаларидан келиб чиқиб, индивидуал характерга эга бўлган сюжетда кескин бурилишлар, хулосада кутилмаган ечим билан хотима топадиган асарларга нисбатан новелла атамасини қўллаш зарур. Зеро, ўзбек новелласи жаҳон адабиёти ютуқлари асосида миллий заминда етишган адабий ҳодисадир. Жанр ўзининг тарихий илдизлари билан миллий адабиётимиз тарихига таянади. Бинобарин, XX аср ўзбек ёзувчилари ижоди мисолида жанр ўзига хосликларини очиб бериш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Мустақиллик йилларида ўзбек адабиётшунослиги адабиёт назарияси ва ҳозирги адабий жараён масалаларини тадқиқ этишда катта муваффақиятларга эришди, аммо новелла жанрининг илмий тадқиқи ҳанузгача тадқиқотчилар эътиборидан четда келиб қолмоқда. Жумладан, ҳикоя жанрини илмий асосда ўрганиш борасида салмоқли тадқиқотлар яратилган бўлса-да, новелла ва ҳикоя атамаларининг ҳамон параллел ҳолда қўлланилиб келинаётганлиги, дарсликларда, адабиётшунослик луғатларида, айрим илмий мақолаларда новелла поэтикасига доир мунозарали, баъзан эса қарама-қарши фикрлар учраши жанр тарихи ва назариясини монографик асосда ўрганиш заруратини кун тартибига қўймоқда. Бинобарин, ушбу жанр поэтикасини ўрганиш, типологиясини аниқлаш, жанр назариясига ойдинликлар киритиш адабиётшунослик фани олдида турган долзарб вазифалардандир. Зеро, “...Ёзувчилар уюшмаси аъзоларининг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамият тараққиёти учун беқиёс аҳамиятга эга бўлган машаққатли ижодий меҳнатини муносиб кадрлаш, адабиёт ва санъат соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш, бадиий ижод аҳлининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш”¹ каби улуғ вазифалар қўйилиши ҳам бежиз эмас.

¹Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2018 йил 6 апрел №15 (4465).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида” 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон Фармони, 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2789-сон қарори, 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида новелла жанри поэтикасига оид бир қатор илмий изланишлар олиб борилган. Хусусан, XX асрнинг сўнгги чорагида новелла жанрининг тарихи, поэтикаси ҳақида алоҳида монография ёзилган. Украин адабиётшунослигида ҳам новелла алоҳида жанр сифатида эътироф этилиб, жанр поэтикаси юзасидан номзодлик диссертацияси яратилган. Тожиқ адабиётшунослигида эса новелла типологик жиҳатдан ажратилиб тадқиқ этилган, тадқиқотчилар томонидан араб ва хитой адабиёти мисолида бу жанрнинг илмий-назарий хусусиятлари ҳам ўрганилган¹. Бироқ ўзбек адабиётшунослигида новелла жанри алоҳида ўрганилмаган. Бу ҳолат новелла жанри ҳақида монографик тадқиқот яратиш зарурлигини кўрсатади.

3. Усмонова томонидан ўзбек эртак-новеллалари тадқиқига бағишланган номзодлик диссертациясида новеллага хос айрим фикрлар ифода этилган бўлса-да, ёзма адабий новелла ҳақида фикрлар кўзга ташланмайди. М. Қўшжонов новелла ҳақида муҳим фикрларни илгари сурган ҳамда новелла ва ҳикоянинг фарқли жиҳатларини ҳам мисоллар орқали кўрсатиб берган. И. Султонов ҳам ҳикоя ва новеллани алоҳида жанр сифатида ўрганишни маъқуллаган ва кичик ҳажмли (ҳикоя) асарларни новелла сифатида баҳолаш лозим деб ҳисоблайди. Н. Ҳотамов, Б. Саримсоқовларнинг адабиётшуносликка оид луғатида новелла жанри ҳақида нисбатан бир мунча маълумот берилган бўлса-да, мазкур китоб изоҳли луғат бўлгани туфайли у ёки бу жанр поэтикасини ўрганишда етарли манба сифатида қараб бўлмайди. Д. Қурононов новеллага хос бадиий-поэтик хусусиятлар тўғрисида мулоҳаза юритиб, новеллани “новеллистик ҳикоялар” деб атади ва мазкур жанрга оид муҳим назарий қарашларни илгари суради².

¹ Мелетинский Е.М. Историческая поэтика новеллы. – М.: Наука, 1980; Фащенко В. Новела і новелісти. – Киев, 1968; Мусулмониён Р. Назарияи адабиёт. – Душанбе: Маориф, 1986; Мухтаров Т.А. Новелла в классической арабской литературе. – Ташкент: Ўзбекистон, 2002; Шкловский В. О теории прозы. – М.: Сов. писатель, 1983.

² Усмонова З. Ўзбек эртак новеллаларининг ўзига хос хусусияти ва бадиияти: Филол.фан. номз...дисс. автореф. – Тошкент, 1999; Қўшжонов М. Маъно ва мезон. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974; Sulston I. Adabiyot nazariyasi. – Toshkent: O'qituvchi, 2005. – B. 170; Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг

“Адабий турлар ва жанрлар”¹¹ китобининг биринчи жилдида ёзилишича: “... эпик жанрга, романдан ташқари эпопея, повесть, ҳикоя, эссе, эртак, новелла, очерк, марсия, эпиграмма, миф ва бошқалар ҳам киради”¹. Кўринадики, адабиётшунос олимлар новеллани алоҳида жанр сифатида ажратиб кўрсатяпти. Бироқ тадқиқотнинг бошқа қисмларида “новелла” ва “ҳикоя” атамаси синоним сифатида параллел ишлатилиб кетилган. Бирор ўринда “новелла” ва “ҳикоя” жанрий томондан фарқланмайди.

Баъзан “новелла” атамасига бу жанрда асар ёзган ёзувчиларнинг ўзлари уни алоҳида жанр сифатида эътироф этиши кўзга ташланади. Масалан, А. Аъзам “Аскартоғ томонларда”², “Ҳали ҳаёт бор”³ китобларида ҳикоя ва новеллани айнан ажратиб кўрсатган. Ёзувчи А. Ҳасаннинг “Қайноқ кум”³, Т. Жўраевнинг “Аср туккан одамлар”⁴ тўпламларида ҳам худди шу ҳолатга дуч келиш мумкин. Шунингдек, адабиётшуносликда “...унинг (А. Қахҳор) новеллаларида доим ўткир сюжет, кутилмаган ўзгаришлар бўлади”⁵, “А. Қодирий ўзбек адабиётида сатирик новеллага асос солди...”⁶ тарзида эътирофлар бор. Адабиётшунос У. Норматов А. Қахҳор “Ўтмишдан эртаклар” қиссаси ҳақида фикр юритаркан, “...қиссанинг сарлавҳаланган деярли ҳар бир боби тугал ҳикоялардир, аниқроғи, фожией руҳдаги воқеий новеллалардир”⁷, - дейди. Бироқ “новелла” ва “ҳикоя” атамалари ўртасида муайян фарқлар борлиги сезилса-да, у махсус тадқиқот объекти қилиб олинмаган. Адабиётшунослигимизда шу каби муаммоларнинг мавжудлиги новелла жанрининг илмий-назарий, бадиий-эстетик жиҳатдан алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида монографик ўрганиш эҳтиёжи мавжудлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университети Истиклол даври адабиёти ва адабиёт назарияси кафедрасининг “Замонавий адабий жанрлар поэтикаси” мавзусидаги истиқболли илмий-тадқиқот ҳамда Ф-1-06-сонли “Истиклол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези” (2012-2016) номли фундаментал лойиҳа таркибида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек адабиётида новелла жанри тарихи ва унинг назариясини ўрганиш ҳамда унинг бошқа турдош жанрлар билан фарқли жиҳатларни ёритиб бериш, новелла жанри бадииятининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 217; Куронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 40.

¹ Адабий турлар ва жанрлар. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 17.

² Аъзам А. Аскартоғ томонларда. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – Б. 144-166.

³ Аъзам А. Ҳали ҳаёт бор. – Тошкент: O‘zbekiston, 2011. – Б. 250.

³ Ҳасан А. Қайноқ кум. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – Б. 293-301.

⁴ Жўраев Т. Аср туккан одамлар. – Тошкент: ШАРҚ. 2007. – Б. 44-94.

⁵ Ленч Леонид. Моҳир новелланавис / А. Қахҳор замондошлари хотирасида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – Б.40.

⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 3-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2007. – Б. 47.

⁷ Норматов У. Эртаклар ва абсурд // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2000, 14 июл.

жанрнинг назарий хусусиятларини аниқлаш ва унинг аниқ мезонларини таърифлаб бериш;

ўзбек адабиётида новелла жанри тараққиётини ўрганиш ва ўзбек адабиётидаги лирик, психологик, шеърий новеллаларнинг асосий хусусиятларини белгилаш;

ҳозирги адабий жараёнда новелла жанрига хос ривожланиш тамойилларига ойдинлик киритиш;

жанрда бадииятнинг умумназарий ва амалий масалаларини асослаш, новеллада характер яратиш санъати ва имкониятини очиб бериш;

новелладаги сюжетнинг бир предметга, воқеага қаратилганлиги, композицион қатъийлиги, структура жиҳатидан ихчамлиги, жанрий тадқиқотнинг реаллиги каби хусусиятларини асослаб бериш.

Тадқиқот объекти сифатида Абдулла Қаҳҳор, Шукур Холмирзаев, Назар Эшонкул ҳамда XX асрнинг иккинчи ярми адабий материаллари танланди.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек адабиётида яратилган новеллалар бадиияти ҳамда новеллист ёзувчиларнинг маҳорати масалалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёсий-типологик, социологик, матн таҳлили, психологик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек адабиётшунослигида новелла жанрининг тараққиёт босқичлари, жанрнинг каноник хусусиятлари, генезиси, новеллада лиризм ва психологизм муаммоси, шеърий новелладаги ўткир сюжет, драматик ҳолат, ноанъанавий хотима аниқ мисоллар орқали далилланган;

ўзбек новеллаларининг мавзу кўлами, ғоявий-бадиий таркиби, новелла ва ҳикоя жанрининг ўзига хослиги ва муштараклиги, новелла жанри илдизлари: ҳикоят, латифа, эртаклардаги новеллистик элементлар, уларда характер яратиш санъати, конфликт, драматизм муаммоларининг ижодий-эстетик тамойиллари асосланган;

новелланинг сюжети, композицион тузилиши ва унда қўлланиладиган бадиий санъатлар, қаҳрамон ва персонажлар тизими, бадиий-фалсафий концепцияси, категорияси ҳамда лисоний материаллар турдош жанрлар билан таққосланган ҳолда очиб берилган;

ўзбек адибларининг новелла яратишдаги маҳорати, ҳар бир ижодкорга хос бўлган услублар, новеллада қаҳрамонни адабий-эстетик кашф этишнинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган, шу билан биргаликда, жанрда учрайдиган схематизм, ва структурасидаги камчиликлар далиллар асосида исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбек адабиётшунослигида эпик турнинг кичик кўринишларидан бири бўлган новелла жанри ўзининг бой тарихига эгаллиги, у қизиқарли сюжет асосида қурилган, ўткир мушоҳадаларга бой ҳамда табиат ва жамият ҳодисаларига нисбатан муайян муносабатларни ифодаловчи жанр эканлиги аниқланган.

Ўзбек адабиёти тарихида ҳам мумтоз итальян новеллачилиги анъаналари бўлмиш фацеци, фабльоларнинг мазмун-моҳиятига мос келувчи ушбу жанр элементларининг мавжудлиги новелла жанрининг ривожини ва тараққиётини белгилаши ойдинлаштирилган.

Новелланинг структура жиҳатидан ҳикоя жанридан кескин фарқланиб туриши, унинг драматик ҳолатларга бойлиги, ўткир сюжетлилиги, кутилмаган бошланма ва воқеанинг кескин бурилишларига эгаллиги ҳамда ҳозиржавоблик, латифаомуз доноликка йўғрилганлиги жаҳон ва ўзбек новеллистик асарлари мисолида далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги манбаларга ёндашувда қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, танлаб олинган бадиий асарларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, назарий фикр ва хулосалар тавсифий, қиёсий-типологик, социологик, психологик таҳлил методлари воситасида чиқарилгани, объектга нисбатан билдирилган фикрларнинг амалиётга тадбиқ этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ўзбек адабиётида драматик ҳолатларга бой, кескин бурилишларга эга, ечимида “портлаш” ясайдиган новеллалар талайгина учрайди. Улар таҳлили орқали новелла жанрининг ўзига хос қонуниятларини ўрганиш, илмий натижаларни умумлаштириш кўзда тутилади. Ушбу тадқиқот новелла жанри назариясини ўрганиш, шунингдек, ўзбек адабиётида новелла жанри тарихи ҳамда назарий асосларини аниқлаш, насрнинг бошқа жанрлари билан муштарақлиги ва ўзига хос томонларини ойдинлаштириб беришда муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қилади.

Диссертация материаллари ва натижаларидан университетлар, педагогика институтлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ҳозирги замон ўзбек адабиёти бўйича маъруза ва махсус курслар ўтишда, шунингдек, кичик эпик жанрларга оид тадқиқотлар яратишда, дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳозирги ўзбек адабиётидаги новеллаларнинг тарихи, илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш асосида:

ўзбек адабиётида яратилган новеллаларнинг ғоявий-бадиий ва структур хусусиятлари, новелла ва ҳикоянинг типологик фарқлари, новелла жанрининг бадиияти ва имкониятлари ҳақида тегишли илмий хулосалардан Ф-1-06 “Истиклол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези” фундаментал тадқиқот лойиҳасининг “Истиклол даври ўзбек адабиётида жаҳон илғор тадқиқ методларининг замонавий ўзбек адабиётшунослигига тадбиқи” қисмида фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 28 декабрдаги ФТА-02-11/1378-сон маълумотномаси). Шу асосда Шарқ ва Ғарб адабиёти типологияси, новелла жанри поэтикаси масалаларига оид назарий хулосалар чиқарилган;

ўзбек адабиётида новелла жанри тараққиёти бевосита Марказий Осиё халқлари адабиётидан бошланишини асослаш билан боғлиқ илмий хулосалар Ф1-ФА-0-55746 “Марказий Осиё халқлари адабий қўлёзма ёдгорликларни тадқиқ этиш, ўзбекистон шоир ва ёзувчилари архивини тўплаш ва уларни илмий тавсифлаб нашрга тайёрлаш” номли фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 31

майдаги 89-03-2131-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижалар новелла жанри хусусиятлари Шарқ адабиёти намуналари таркибида ҳам учраши халқаро адабий алоқаларнинг муштарак жиҳатлари мавжудлигини асослаб беришга хизмат қилган.

Ғарб Уйғониш даврида пайдо бўлган новелла жанри тарихи, назарияси, ўзига хос хусусиятлари ҳамда новелла ва ҳикоя жанрининг ҳозирги адабий жараёндаги ўрни, кичик ҳикояларга доир назарий хулосалардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилояти бўлими қошидаги “Садоқат” ижодий тўғараги фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2017 йил 6 декабрдаги 01-03/1070- рақамли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ёш ижодкорларнинг адабий маҳоратини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга асос бўлган;

Ўзбек новеллист ёзувчилари – А. Қаҳҳор, Ш. Холмирзаев, Н. Эшонқул новеллаларида характер яратиш, конфликт ва драматизмга оид қарашлардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг Самарқанд бўлими “Самарқанд садоси” дастурида “Адабиёт ва ҳаёт” рукни эшиттиришларида фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йил 8 майдаги 09-01/227- рақамли маълумотномаси). Натижада насрнинг кичик жанрларидан бири - новелла жанри бадииятини, китобхонлик даражасини белгилашда, таржимонларга эса таржима асарлари жанрини номлашда назарий манба бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та Республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертациянинг асосий мавзуси бўйича 13 та илмий мақола, 1 та монография чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та, улардан 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Иш кириш, 3 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 153 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқот методлари, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми баён қилинган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Новелла жанри шаклланиши ва таракқиёт босқичлари”** деб номланган.. Биринчи фасл **“Жанр тарихи ва назарияси”** тадқиқига бағишланган. Фаслда новелла тарихи, унинг юзага

келишига асос бўлган омиллар, новелланавис ёзувчилар, новелла назариётчилари фикрлари ҳамда новелланинг классик намуналарига эътибор қаратилиб, бу жанрнинг ўзига хос жанрий – бадиий хусусиятлари аниқланди.

Ўрта асрлар жаҳон адабиётида шаҳар муҳитида жўн, унча катта бўлмаган ижод намуналари “новелла” ёки “фаеци” деб аталган. Уларнинг моҳиятида латифалар, ҳаётдан олинган кулгули ҳодисалар ётганлиги ҳамда оддий ва содда саволларга ўткир жавоблар берилганлиги сабабли илк Италиян новеллаларини латифалардан ўсиб чиққанлиги эътироф этилади. Францияда “фавльо” атамаси Уйғониш даври новеллачилигига асос бўлган жанрлардан бири сифатида қаралади. Фавльолар юмористик характерда, ҳаётий-маиший мавзуда ёзилган шеърӣ шаклдаги асар ҳисобланади. Германияда фавльонинг таъсири остида замонавий ҳажвий руҳдаги реалистик ҳикоя – шванклар юзага келади.

Новелланинг дастлабки намунаси XIII асрнинг 80-йилларида чоп этилган “Чиройли, хушмуомалали суҳбат ўтказиш китоби” номли новеллалар тўплами саналади. Илк Ўрта асрлар новеллалари дунёвийликни рад этарди ва унинг сюжети мўъжизавийлик, ақл бовар қилмас воқеалар ривожига қуриларди. Шунинг учун ҳам шунга ўхшаш ҳодисалар унинг мазмун-моҳиятини белгиларди. Ж. Бокаччо новеллаларида бундай мўъжизавийлик тамоман барҳам топиб, унинг ўрнини реал ҳаёт воқеалари эгаллади.

Новелла ўртача ҳажмли воқеаларга бой, реал ҳаёт манзараларини тежамкорлик билан баён этувчи аниқ фабулалар асардир. Новелла учун воқеликнинг тасвирида таъриф-тавсиф бегона. У қаҳрамон ички кечинмаларини сиқиклик билан акс эттиради. Воқеалар ривожига бирдан ечимга олиб келадиган аниқ ва қутилмаган ўзгариш бўлиши талаб этилади. Қайд этилган жанрнинг айрим белгиларини ўзбек адабиёти тарихида ҳам учратиш мумкин. Масалан, “Қисас ар-Рабуғузӣ”нинг “Сулаймон қаринчқа билан сўзлашгани” ҳикоятида кишилиқ жамиятидаги айрим иллат ва камчиликлар устидан ҳукм чиқарилади. Чумоли жисмонан унга тенг келмаса-да, жами оламдаги ҳайвонлар подшоси Сулаймондан таб тортмайди. У билан мунозарага киришади. Сулаймон подшоҳ ва қаринчқа ўртасидаги диалогда оддий саволларга ўткир жавоблар берилади. Ўзаро қарама-қарши қарашлар қутилмаган ечимга олиб келади. Қудратли подшоҳ чумолининг ақл-идроки олдида ожиз қолади. Ҳикоятда жисмоний тўқислик ва маънавий баркамоллик ўзаро қаршилантиради. Кўринадики, мазкур ҳикоятда қуруқ дидактикадан холи, ижтимоий-маиший ҳаёт ҳақидаги ўткир фикрлар, янги воқеа-ҳодисалар ифодаси тасвирлангани учун ҳам унда новелла жанрига хос услуб жиҳатларни учратишимиз мумкин.

Хожанинг “Муфтоҳ ул-адл” ва “Гулзор” асарларида ҳам бир-биридан таъсирли, қизиқарли ҳикоятлар берилган. Мазкур ҳикоятларда замонаси учун долзарб ҳисобланган феодал жамият иллатлари рўй-рост очиб ташланган. Хожа ҳикоятларида қаҳрамонлар ўз фаолликлари билан ажралиб туради. Ҳақ гапни айтишдан тап тортишмайди. Бундай ҳикоятлар кишиларга панд-насихат бериб ўтирмайди. Ҳикоятлардаги кескинлик, қутилмаган қарорлар чиқариш ўзида новеллистик хусусиятларни бўрттириб кўрсатади. Бу жиҳатдан Алишер Навоӣ дostonларида бетакрор услуб ва усулларни ўзида намоён этган кўплаб ҳикоятлар мавжудки, улар кейинги даврлар янги новеллистик услуб учун таянч манба

бўлиб хизмат қилган. Биргина “Садди Искандарий” достонидаги “Ардашер хикояти” асари бунинг яққол исботидир. Ишда новеллистик услуб шаклланишига асос бўлган шундай асарлар таҳлиliga алоҳида эътибор қаратилди. Шу ўринда айтиш керакки, шарқона хикоятлар ҳақида фикр юритган олимлар бу жанр структурасидан келиб чиқиб уни “анекдот” ёки “новелла” тарзида қайд этиш ҳолатлари ҳам кузатилади (Е. Э. Бертельс, В.М. Жирмунский, Н. Владимирова). Бунда, албатта, хикоят жанри новелла ёки анекдот эмас, балки улардаги новеллистик хусусиятлар ҳисобга олингандир.

Ўзбек адабиётшунослигида М. Қўшжонов новелланинг ўзига хосликлари борасида билдирган фикр-мулоҳазалари мазкур жанр ҳақидаги дастлабки илмий қарашлар сифатида муҳим аҳамият касб этади. Олимнинг фикрича, “Новелланинг ўзига хос хусусиятлари ҳам йўқ эмас, баъзилар тасаввур қилганидек, асарнинг ҳажми кичиклигида ҳам эмас. Ҳозирги кун адабиётшунослигида новелланинг ўзига хос характерли ҳолати ва воқеаларнинг кескин бурилишида ихчам, пишиқ сюжет, кутилмаган ечим асосида кўрсатиб беришдан иборат деб ҳисобланади”.¹ Н. Ҳотамов, Б. Саримсоқовларнинг “Адабиётшунослик атамалари...” луғатида новелла ҳажмга эмас, балки ички структурасига қараб фаркланади, - деган қарашларни ёқлайди ҳамда уларни бандма-банд кўрсатиб беради. Жаҳон адабиётшунослари томонидан эътироф этилган назарий қоидалар муаллифлар фикри билан уйғунлик касб этади. Адабиётшунос Д. Қуронов Чўлпоннинг “Ойдин кечаларда” хикоясини новеллистик хикоя деб атаб, уни жанр талаблари асосида ўрганишининг ўзи ҳам ўзбек адабиётида новелла ва хикоя орасида жиддий фарқлар мавжудлиги, уларнинг жанрий ўзига хосликларини белгилашга бўлган уринишлар бўлганлигини кўрсатади. Д. Қуронов тадқиқоти ўзбек адабиётшунослигидаги илк новелла жанри таҳлили сифатида қимматлидир. Хуллас, ушбу фаслда новелла жанри тараққиётини белгилаган омилларни эътироф этиш, назариясини яратишга ҳисса қўшган олимлар фикрларини умумлаштириш ва жанрнинг назарий ўзига хосликларини равшанлаштиришга ҳаракат қилинди.

Мазкур бобнинг “Ўзбек новелласи илдизлари (латифа, масал, эртак)” деб номланган иккинчи фаслида новелла жанри ривож учун асос бўлиб хизмат қилган “латифа”, “масал”, “эртак” жанрларининг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини ифода этувчи масалалар ҳақида сўз юритилган. Латифалар структурал хусусиятларига кўра новелла жанри қоидаларига тўғри келиши, улар қариндош жанр эканлиги назарийчилар томонидан эътироф этилган. Рус адабиётшуноси Е. Мелетинский “Новелла эртак ва латифалардан ўсиб чиққан”- деса, ўзбек адабиётшуноси Т. А. Мухторов “Мумтоз араб адабиётида новелла” асарида “Латифа ва новелла тасвир усулига кўра жуда яқин жанрлар ва баъзан бу латифа ёки новелла эканлигини айтиш қийин бўлади. Латифа оғзаки баёнга, новелла эса ёзма баёнга мойилдир. Кўпинча, ёзма кўринишдаги новелла латифанинг ривожлантирилгани бўлади”², - деган фикрларни билдиради. Латифага берилган қуйидаги таъриф: “конфликтнинг бўртиб кўриниши, ҳамда

¹ Қўшжонов М. Маъно ва мезон. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – Б. 164.

² Мухтаров Т. А. Новелла в классической арабской литературе. – Тошкент: Узбекистон, 2002. – С. 93.

кескин ҳал этилиши”¹ новелланинг ўзак қон томирларидан биридир. Ундан ташқари новеллаларда латифаларнинг энг асосий унсурлари жамланган. Масалан, дастлабки новеллаларнинг персонажлари ҳайвонлардан эмаслиги, мажозий тимсолларнинг аралашмаслиги, панд-насихат йўналишининг, ҳикматли сўзларнинг деярли қўлланилмаслиги новелланинг латифа жанридан ўсиб чиққанлигини тасдиқлайди. Кичик новеллада кулгули воқеа-ҳодисалар баёни билан бирга тақдирлар, босиб ўтилган аччиқ-чучук ҳаёт, сохта обрў-эътибор лаҳзада фош қилинади. Яхшилик билан ёмонлик, нафрат билан оқибат тўқнашади. Адолат ғалаба қозонади. Шунинг учун ҳам митти новелла (латифа) кўринишлари халқимиз ёзма адабиётида новеллистик хусусиятлар билан кенгайиб жанр имкониятини оптимал даражада оширишга хизмат қилган. Латифаларда баъзан қаҳрамон содда, гўл, тўпори кўринишда ҳам тасвирланади. Бундай ҳолатларда содда одамлар тимсоли китобхонда енгил кулги уйғотади. А. Қаҳҳорнинг “Санъаткор”, “Майиз емаган хотин”, “Бошсиз одам” новеллалари сюжети шундай йўналишдаги латифаларга ўхшаб кетади. Санъаткорни, Мулла Норқўзини, Фахриддинни Насриддин афандидан қолишадиган жойи йўқ. Уларнинг ҳам хатти-ҳаракатидан фақат кулишимиз мумкин. Даврлар ўтиши билан митти новелла (латифа) кўринишлари XX аср адабиётида ҳам турли хил жанрлар таркибидан жой эгаллайди. Йирик ҳажмли лиро-эпик асарларда гоҳ персонажлар тилида, гоҳ бирор бир ғояни ифодалаш мақсадида қўлланса, кичик эпик асарларда, воқеабанд шеърларда латифалар баъзан персонажлар миқдорининг ҳажми кенгайиб, баъзан латифада қанча бўлса шу персонажлар сақланиб, Афанди образи орқали яратилган ҳикоялар, шеърый новеллалар ҳам кўрина бошлади. Масалан, Ғ. Ғуломнинг “Тўрт хангома”, “Афанди ўлмайдиган бўлди”, “Мулла Насриддин Афанди ва шайтон алайҳул-лаъна” латифаларида новелла элементларини нисбатан кенгроқ миқёсда учратиш мумкин

Ўзбек халқ эртақларида ҳам новелла жанри хусусиятларини ўзида жамлаган эртақлар мавжуд. Уларнинг ҳажмида фарқлар сезилмайди. Тадқиқотчи З. Усмонова² ўз диссертациясида бадиий новелладаги кутилмаганлик, кескин бурилиш, конфликтлик, кутилмаган ечим каби элементларнинг ҳаётий-маиший эртақлар таркибида мавжудлигини ҳисобга олиб, бундай кўринишдаги эртақларни новелла-эртақ деб атади. Эртақ ва новеллалар ўртасидаги фарқни эса қуйидаги ҳолатларда кўради: “Эртақ-новелла уйдирмага асосланса, новеллада аниқлик устунлик қилади”, “эртақ-новеллада воқеалар содда баён этилса, новеллада мураккаб психологик тасвирларда берилади”, деб кўрсатади. Бундай типологик яқинлик, бизнинг фикримизча ҳам, асослидир. Ҳақиқатан ҳам, “Сулаймон подшонинг ҳукми” эртагида воқеалар ривожига ҳам, қаҳрамон характерида ҳам кутилмаган ечим устиворлик қилади. Улар ўртасида фарқ новеллистик хусусиятлардан кўра эртақдаги уйдирма, новелладаги реалликда кўринади. Латифалар асосида объектга одатдан ташқари ёндашиш ҳолати мавжуд, шунинг учун ҳам латифалар ечими китобхон тасавурида ўзгача таъсир уйғотади. Шу жиҳатлари билан ҳам новелла структурасининг тарихий

¹ Ҳотамов Н., Б. Саримсоқов. Кўрсатилган асар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 31.

² Усмонова З. Ном.дисс.автореферати - Тошкент, 1999.

илдизлари латифалар деб ҳисобланиши маъқул фикрдир. Демак, новелла латифа мазмун – моҳиятини ташкил этган фикрлар қаймоғининг кенг ҳажмли ёзма адабиётдаги ифодасидек таассурот қолдиради.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Жанр типологияси ва ранг-баранглиги”** деб номланиб, бобнинг биринчи фасли **“Ҳикоя ва новелла муаммоси”** деб аталган. Тадқиқотнинг бу фаслида новелла жанри тарихи, назарияси ҳақида фикр юритилиб, унинг **“ҳикоя”** жанридан структуравий жиҳатдан фарқли томонларини кўрсатишга эътибор қаратилади. Адабиётшунос Ш. Ҳасанов А. Қаҳҳор ҳикоясини (**“Даҳшат”**) новелла деб аташни маъқуллайди. Олим **“Гап бу асарларнинг қайси жанрга мансублигида эмас, муҳими, уларга бугунги адабиётшунослик ютуқларидан келиб чиқиб, тўғри баҳо беришда...”**¹ дейди. Демак, новелла ва ҳикоя жанрларининг типологик асосларини ўрганишдан мақсад ҳар иккала жанрга хос муштараклик ва ўзига хосликларни тайин этишдан иборат. Ҳикоя – сўзининг луғавий маъноси гапириб, сўзлаб бериш; қисса, тарих маъноларини англатиши ушбу жанрнинг қадимий кўринишлари сокин, пинак бузмай эшитадиган бирор воқеанинг ихчам баёнидан иборат эканлигидан дарак беради. Новелла – сўзининг **“янгилик”** маъносини ифодалашининг ўзи ҳам қизиқарли, эшитилмаган, оригинал, ҳайратланарли каби истилоҳий тушунчаларни англатади. Адабиётшунос В. П. Скобелев **“ҳикоя”** ва **“новелла”** атамаларининг жанрий ўзига хосликларини қуйидагича изоҳлайди: **“...Новелла ўқувчида “қизиқиш уйғотадиган ғаройиб маиший ҳодиса, саргузаштни тасвирлаши зарур: новелладан фарқли ўлароқ, ҳикоя – бу типик маиший муносабатлар ва жамоат ахлоқий ҳолати ҳақидаги қисқа асар ҳисобланиб, у кундалик ҳаёт манзараларини тасвирлайди. Новеллада ёзувчи қаҳрамонлар ҳаётидан ғаройиб воқеани кўрсатмоқчи бўлади, ҳикояда бу айнан одатий ҳолга, яъни ҳар куни ҳаётда бўладиган нарсага эътибор қаратилади”**.² Бизнингча, новелла – бу қаҳрамонлар ҳаётида юз берган ғайриодатий воқеа-ҳодисалардан ҳикоя қилса, ҳикоя – ижтимоий ахлоқнинг кичик манзарасини намойиш этади. Масалан, А. Қаҳҳорнинг **“Бемор”** ва **“Санъаткор”** ҳикоялари ҳажм жиҳатидан деярли бир хил. Аммо уларнинг бирини **“ҳикоя”**, бирини **“новелла”** дейиш мумкин. **“Бемор”** ҳикоясида маиший ҳаёт тасвирланади. Воқеалар, қаҳрамон характеридаги хатти-ҳаракатлар биз учун янгилик эмас, эшитганимиз, кўрганимиз. Анъанавий тасаввуримиз чегарасидан ташқарида эмас. Воқеалар бир хил, хронологик тартибда чизилган, кутилмаган ечим йўқ. **“Санъаткор”**да эса тамоман ўзгача. Асар кутилмаган бошлама – тугун билан бошланади. Китобхон кулишини ҳам ачинишини ҳам билмайди. Ижтимоий-руҳий конфликт бўртиб туради. Қаҳрамон ўзини ўзи нутқий деталлар орқали фош этиб боради. Новелланинг кутилмаган ечими – **“ж”** ҳарфининг каттасини ёза олмаслиги боис қаҳрамоннинг саводсизлиги баралла аёнлашади. **“Адабий турлар ва жанрлар”**да **“ҳикоя шундай жанрки, унинг айрим нурдай тиниқ ва ўткир штрих, деталларидан қаҳрамоннинг ҳикоя бошлангунча ва ундан сўнгги характери ва тақдири ҳақида тасаввур ола билиш мумкин. Шу жиҳатдан ҳикоя китобхоннинг**

¹ Ҳасанов Ш. А. Қаҳҳорнинг ҳикоячиликдаги маҳорати// Ўзбек тили ва адабиёти. 2007. - №6, - Б. 19.

² Скобелев В. П. Поэтика рассказа. – Воронеж: Воронежского Университета, 1982. – С. 51.

Ўзини ҳам қаҳрамонларнинг бирига айлантирадиган, ундан мушоҳадакорликни талаб қиладиган, ўз фантазияси билан керак ўринларни тўлдиришни тақозо қиладиган жанрлардан биридир, дейиш мумкин”¹ – тарзида фикр бор. Кўринадики, бунда муаллифлар ҳикоянинг новелладан фарқ қилиб турадиган муҳим жиҳатларига эътибор қаратмоқдалар. Ҳикояларнинг мутолаа жараёни бошланганда қаҳрамоннинг “*сўнгги характери ва тақдири ҳақида тасаввур ола билши*” мумкинлиги, “*китобхоннинг ўзини ҳам асар қаҳрамонларининг бирига айлантириши*”, “*ечимининг бўлиши-бўлмаслиги шарт эмаслиги*” (баъзи ҳикояларда ечим бўлмайди)ни таъкидламоқдалар. Юқорида қайд этилган хусусиятлар ҳикоя жанри асосини ташкил қилади, новеллада эса тамоман бунинг тескари ҳолатини кўриш мумкин. Новеллада ечим бўлмаслиги мумкин эмас. Китобхон учун қаҳрамон тақдири сўнгги нукта (ечим)гача қоронғи бўлиб туради. У асар қаҳрамонларининг бирига ёхуд унинг фикрлари, орзу-ўйлари давомчисига айланиши асло мумкин эмас. Новелла қандай ҳолатда бўлмасин, чиройли хотимасини топиши керак. Китобхон ҳаёлида, фантазиясида новелла қаҳрамонларининг кейинги ҳаёти эмас, унда кутилмаган ечим орқали туғилган таассуротлар яшаши керак.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган қоидаларга таянилган ҳолда новелла ва ҳикоялар моҳиятини куйидагича аниқлаштириш мумкин:

1. Ҳикояда – воқеа одатий яқун топади, яъни кичик сахналарда ҳар кунги турмуш тарз баён этилади.

2. Новеллада – воқеа кутилмаган муқаддима билан бошланади. Бундай асарларда новелла сюжети фаоллашади. Унинг бу тарзда бошланиши ва олдиндан баён қилинишнинг йўқлиги новеллага психологик таранглик беради. Новелла ривожини кўпинча воқеанинг изчиллиги, қаҳрамоннинг фаоллиги ҳал этади.

3. Ҳикоя – новелла каби каноник хусусиятига эга эмас. У оммага тушунарли бўлган тимсолларда жамиятнинг умумий кўринишини тасвирлашга йўналтирилади.

4. Новеллада – зиддиятлар ечими сирли кўриниш олади, персонажлар руҳиятидаги, хатти-ҳаракатидаги, воқеалардаги ўзгариш, муайян драматизмни юзага келтиради.

5. Ҳикояда – китобхон воқеалар иштирокчисига айланиши ҳамда ҳикоя ечимини қай ҳолатда яқун топишини тасаввур доирасига сиғдира олиши мумкин.

6. Новеллада – қаҳрамон кутилмаган қарорлари билан ажралиб туради. Воқеалар ривожини ечимгача англаб етиш мумкин эмас.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли “Лирик ва психологик новеллалар” деб номланади. Ўзбек адабиётида новеллалар яратишга уринишлар бўлганлигининг ўзи ҳам ушбу жанрнинг қандайдир фарқли, қизиқарли жиҳатлари борлигини кўрсатади. Ёзувчи А. Ҳасан 1988 йилда чоп эттирган “Қайноқ қум”² номли асарида 4 та кичик ҳажмдаги насрий асари жанрини новелла деб белгилаган

¹ Адабий турлар ва жанрлар ... – Б. 67.

² Ҳасан А. Қайноқ қум. – Тошкент: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б. 293-300.

бўлса, ёзувчи ва мунаққид А. Аъзам “Асқартоғ томонларда”¹, “Ҳали ҳаёт бор”² номли тўпламларида, Т. Жўраев “Аср тукқан одамлар”³ тўпламига киритилган асарларни “Қисса, новелла ва ҳикоялар” деб новеллани айнан ажратиб кўрсатади.

Юқорида номлари зикр этилган кичик эпик асарларнинг аксарияти мазмун моҳияти билан новелланинг лирик турига мос тушади. Ёзувчи А. Ҳасаннинг биринчи новелласи “Мангулик” деб аталади. Асар муаллифнинг шахсий мулоҳазаларига таянган ҳолда, Ҳусайннинг Афшонадан кетиши тасвирига қурилган. Ибн Синонинг ўз ватанидан қувғин этилиш ҳолати муаллиф томонидан насрий шеър кўринишида тасвирланган. Бирор бир ибратли воқеа-ҳодисанинг қаҳрамонлар иштирокисиз ровий томонидан асар қаҳрамони ҳис-туйғулари, кечинмалари таъсирида ифодалаш лиризм хусусиятларини кучайтиради. Асар мазмунан замон ва макон чегараларига бўйсунмаслиги жиҳатидан ҳам ўзида лирика элементларини кўпроқ ташийд. “Мангулик”да муаллиф “мени” айнан бўртиб турганлиги боис ҳам ушбу асарни лирик новелла деб аташ мумкин.

“У кетди. Она юртидан уни қувғин қилдилар.

У кетди. Йигирма беш ёшида қувғин этилган ўспирин Ҳусайн роппа-роса минг ёшга кириб, бамисоли бобо Қуёшдай порлаб, мангулик тимсоли бўлиб она юртига қайтиб келди”. Асардаги қутилмаганлик вақт ўлчовининг чегара билмас ифодасида ҳам кўринади.

А. Аъзам новеллаларини ҳам иккига ажратиб ўрганиш мумкин. У ўз асарларини номлашда новелла хусусиятларига анча яқин келади. Жанр талабларидан келиб чиқиб ёндошадиган бўлсак, ёзувчи новеллаларини лирик ва психологик новелла деб ажратиш маъқулроқ.

Ёзувчининг “Ватан ҳақида ёзишга кучим етмаган шеърим” новелласи муаллифнинг шахсий мулоҳаза, ўй-кечинмалари асосига қурилган. Худди шу асар “Шеърят – 86”⁴ тўпламида “Юртим ҳақида ёзолмаган шеърим” деб номланган бўлиб, унинг жанри мақола деб кўрсатилган. Кўринадики, бу ҳолат асар жанрини белгилашда бирор бир мезонга, қоидага суянилмаганини билдиради. И. С. Брагинский “С. Айнийнинг ҳаёти ва ижоди” китобида: “С. Айний насрнинг (кичик шаклини) баркамол устаси бўлиб, “Эсдалиқлар”нинг ҳар бир боби алоҳида тугалланган етук новелла ҳисобланади”, дейиш билан бир қаторда “Мансуралар ва насрий шеърларни лирик новелла деб аташ мақсадга мувофиқдир”⁵, - деб ёзади. Адабиётшунос фикрларига эътибор қаратадиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам, А. Аъзамнинг сўз танлашидаги маҳорати, фалсафий мушоҳадаларга мойиллиги, тасвирда замон ва маконнинг худудсиз намоиши каби жиҳатлари И. Ғафуровнинг мансураларига жуда ўхшаб кетади. Уларнинг фарқи, И. Ғафуров мансуралари ҳажман қисқа, шакл жиҳатдан сарбаст шеърга ўхшашлигида кўринса, А. Аъзамда лирик новеллалар ҳажман каттароқ, шакли

¹ Аъзам А. Асқартоғ томонларда. – Тошкент: Ёш гвардия, 1989. – Б.144-166.

² Аъзам А. Ҳали ҳаёт бор. – Тошкент: О‘ЗБЕКИСТОН. 2011. – Б. 210-241.

³ Жўраев Т. Аср тукқан одамлар. – Тошкент: ШАРҚ, 2007. – Б. 44-94.

⁴ Шеърят – 86. Тузувчи Х. Даврон. – Тошкент: Ғ.Ғулум номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1987. – Б. 55.

⁵ Брагинский И. С. Ҳаёт ва эчодиёти Садриддин Айний. Нашриёти Ирфон. – Душанбе, 1968. – С. 138-139.

насрий шеърларга ўхшаб кетади. Ёзувчининг новелла деб атаган асарларини муסיқийлигини, шаклини, воқеа-ҳодисаларни қаҳрамон таассуротлари орқали ёритилишининг ўзи ҳам мазкур асар жанрини лирик новелла деб аташимизга асос бўлади.

Н. Эшонқул тасвирларида инсон ва унинг фожиаси, ўтмиши ва келажаги, эрки ва тутқинлиги рамзий бўёқларда ифодаланади. Ёзувчи шундай оригинал услуб танлайдики, уни биз бутун башариятга дахлдор ҳодиса, воқеалар деб айта оламиз. Ҳар бир новелла шунчаки, биз кўникиб қолган ҳаёт тасвири эмас. Унда рухий-психологик ҳолат тасвири, онг ости қатламларини чуқурроқ тадқиқ этиш, хатти-ҳаракатнинг сезим ва туйғулар драмасидан келтириб чиқарилиши ва асосланиши бадиий тафаккурдаги янги талқин юзага келганини кўрсатади. Н. Эшонқул тасвирлаётган, сир-синоатга йўғрилган мавҳумотлар афсона эмаслигини англаб етамиз. “Услуб бу – ёзувчининг ўзи” деганларидек, Н. Эшонқул услуби, ёзувчи сифатидаги ўзлиги миямизнинг қаърида мудраб ётган сезгиларимизни уйғотишга ҳар томонлама қодирлигига амин бўламиз.

Н. Эшонқул ўзбек адабиётида психологик новеллага асос солган новатор ёзувчилардан. Унинг асарлари биз кўникиб қолган, одатланган ҳикоялар қолипига тушмайди. Уларда инсоннинг безовта руҳи, ҳолати кенг таҳлил қилинади. Хуллас, лирик, психологик новеллалар ўзбек новелласининг ранг-баранглигини белгилайди. Эпик новелла сюжети характерли бир воқеа-ҳодисага таянса, лирик ва психологик новелла сюжети воқеа-ҳодисалардан олинган оҳангдорлик, кечинма, ҳис-туйғу, таассурот, рухий ҳолатлар ва мушоҳадалар талқинига таянади.

Иккинчи бобнинг “Шеърый новелла” деб номланган учинчи фаслида ўзбек адабиётида шеърый новеллалар табиати, уларнинг жанрий белгилари, бадииятига доир муҳим хусусиятлари илк бора ўрганилди. “...Шеърый новелла масаласидек қизиқ мавзу...” (Мелетинский) тадқиқот объекти сифатида ўрганилар экан, бу орқали адабиётимизда муаммо бўлиб келаётган воқеабанд шеърлар, шеърый ҳикоя каби адабий атамалар номланишига ҳам муайян аниқликлар киритилди.

Лиро-эпик характерда, юмор руҳи билан суғорилган, қизиқарли сюжет асосига қурилган, қутилмаган ечим билан яқунланган кичик ҳажмли асарларга нисбатан шеърый новелла атамасини қўллаш тўғрироқ бўлади. Шеърый ҳикоя ва шеърый новелла орасидаги сезиларли тафовутлар эса новелла ва ҳикоя жанрларининг ўзига хосликлари билан ажралиб туради. Шеърый ҳикояларда фавқулодда воқеа-ҳодисалар, ўткир конфликтлик, латифаомуз тугалланишлар бўлмасдан, ахлоқ-одоб ҳақидаги маънавий масалалардан тўғридан-тўғри хулоса чиқарилади. Масалан, Эркин Воҳидовнинг “Кумурскалар жанги”, А. Ориповнинг “Тулки фалсафаси”, “Ади-бади ҳақида ривоят” асарларини шеърый ҳикоялар турига киритиш мумкин.

Р. Иезуитова баллада ҳақида фикр юритар экан: “... ҳамма балладага хос бўлган хусусият – новеллистик қутилмаган сюжет йўналишидир. Бу приём асарнинг бошланишида ҳам, ўртасида ҳам қўлланиши мумкин. Шунда воқеа бошқа томонга бурилади ва асар бошида қутилганидан кўра бошқача тугайди. Бу эса, кўпинча асар сюжетининг қутилмаган финал билан ечилишига олиб

келади”¹, - дейди. Ушбу фикрларни шеърий новеллага ҳам қўллаш мумкин. Баллада сюжетининг ҳаракатга келтирувчи асосий куч – лиризм ва драматизм бўлса, шеърий новелланинг таянч маркази кутилмаган бурилиш, ўткир конфликт, ечимдаги “портлаш” ҳисобланади. Тўғри, новеллада ҳам лиризм, драматизм мавжуд, бироқ улар доминантлик даражасига чиқмайди.

Эркин Воҳидовнинг “Донишқишлоқ латифалари” туркум шеърий новеллалари халқ оғзаки ижоди намуналари бўлмиш латифалар асосида яратилган. “Матмусанинг қалпоғи” шеърий новелласида халқимизда учраб турадиган баъзи қусурлар енгил ҳажв қилинади. Кимки бирор бир янгиликка қўл урса - уй, машина сотиб олса, ўқишга кирса ёки қимматбаҳо бир кийим-кечакка эга бўлса ўртоқлари, ошна-оғайнилари томонидан “ювилади”. Ўша базмга, зиёфатга етарли пул бўлса яхши. Хурсандчиликка нима етсин. Имконият йўқ бўлса-чи? Бола-чақа ризқидан, ота-она чўнтагидан қилинаётган ҳотамтойлик – бу энди кулги эмас. Алам- изтироб кулгисидир. Китобхон “йўқ бўлиб қарзга олиб еганга лаънат” ўқийди.

Қалпоқ эмас – эртак у,
Қалпоқ эмас – тилла тож!
Қўйинг-чи, ресторанда
Ювмаса ҳеч йўқ илож.

Мақтовга қаранг. Бундай мақтов эгаси ўзидан кечмаса бўлмайди. Мана шу мақтовларни кўпда сезамиз ҳам, бироқ у бизга мойдай ёкиб ҳам кетади. Шоир ўзбекчиликдаги шу каби хусусиятларни қисқа сатрларда бера олган:

Қалпоққа тери берган
Сувсар учун ичдилар.
Шундай қалпоқни сотган
Овсар учун ичдилар.

Ровий эпик воқеаларни ҳикоя қилишда лиризмдан, яъни сўзларнинг такрори, оҳангдорликдан унумли фойдаланади. Поэтик фикрлар асосига қурилган аччиқ киноя эса Матмуса характери бугун фожиали кўринишга олиб келади. Албатта, “бир тўлишнинг, бир тўкилиши бор” дейдилар. Мақтовнинг осмону фалакка чиқарилишидан унинг ерпарчин бўлишини ҳам сезиш қийин эмас. Новелла кутилмаган воқеа – харажатиға қалпоқни бериб кетиш билан яқунланади.

Абдулла Ориповнинг “Шарқ ҳикояси” новелласи ҳам латифаомуз бир воқеа асосига қурилади. Бундан ташқари, шоирнинг “Ҳангома”, “Турғунбой”, “Илғор ишчи ва чакқон мухбир қиссаси” каби асарларини ҳам шеърий новеллаларнинг ажойиб намуналари қаторига киритиш мумкин.

